

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Бошқарув раиси-бош директор



Р.Пирматов

27 декабрь 2022 йил

**“Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятида**

монополияга қарши комплаенс хақидаги 2022 йил ҳисоботи

т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажарилган ишлар
1.	Жамият томонидан монополияга қарши қонунчилик хужжатлари бузилиш эҳтимоллигини баҳолаш.	Монополияга қарши орган томонидан ўтказилган текширишлар, аниқланган коидабузарликлар, берилган тақдим номаларни ўрганиш.	2022 йил 25 июнь кунидаги Монополияга қарши курашиш кўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси томонидан “Eximtrans” компаниясининг 20.06.2022 йилдаги EX52-сонли мурожаати юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасида жамият томонидан қоидабузарлик аниқланмаган ва бу тўғрида мурожаатчи “Eximtrans” компаниясига жавоб хати юборилган.  2022 йил 30 сентябрь кунидаги Монополияга қарши курашиш кўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси томонидан “AK-PA Tekstil Pazarlama” компаниясининг 30.09.2022 йилдаги ракамсиз мурожаати юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасида жамият томонидан қоидабузарлик аниқланмаган ва бу тўғрида мурожаатчи “AK-PA Tekstil Pazarlama” компаниясига жавоб хати юборилган.  2022 йил 19 сентябрь кунидаги Монополияга қарши курашиш кўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси томонидан “Underweer Star” компаниясининг 26.08.2022 йилдаги 26/08-

		<p>Ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида қонунчилик бузилиши мумкин бўлган соҳаларни хавфлар таснифи асосида тақсимлаш.</p>	<p>сонли мурожаати юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасида жамият томонидан “Рақобат тўғрисидаги” Қонуннинг 14-моддаси, 1-қисми, 1-хатбоши талаблари бузилганлиги қўмита томондан аниқланган, яъни 117106-сонли лот натижалари муддатидан кеч эълон қилинган. Ушбу қоидабузарлик юзасидан комбинат харид комиссияси томонидан жавобгар шахсга нисбатан қатъий огоҳлантириш берилган. Кўмитанинг 2022 йил 29 сентябрь кунидаги кўрсатмасига биноан, кейинда ушбу қоидабузарлик олдини олиш мақсадида жамиятда харид хужжатларини кўриб чиқиши муддатларини тартибга солувчи регламент қабул қилинди.</p> <p>2022 йил 29 сентябрь кунидаги Монополияга қарши курашиш кўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси томонидан тақдим қилинган 10/113-сонли иш Қарори юзасидан комбинатга келиб тушган тижорий техник тақлифларни ўрганиш комиссияси фаолияти юқори хавфлар таснифига ўтказилди.</p>
2.	Рақобат қонунчилигига киритилаётган ўзгаришларни ўрганиб бориш, шунингдек, қонунчиликка киритилган ўзgartiriшлардан келиб чиқиб, идоравий хужжатларни мувофиқлаштириш юзасидан раҳбариятга тақлифлар киритиш	<p>Тизимли равища рақобат қонунчилигига киритилаётган ўзгаришларни ўрганиб бориш.</p> <p>Жамиятда Рақобат қонунчилиги талаблари ўрнатилган ёки бузилиши мумкин бўлган соҳаларни таҳлил килиш.</p> <p>Аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари (масалан, товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига тўсиқлар қўйиши)ни мониторинг ва таҳлил қилиш</p>	<p>Жамиятда Рақобат қонунчилиги талаблари ўрнатилган ёки бузилиши мумкин бўлган соҳалар доимий равища таҳлил килиниб бориш белгаланган. Таҳлиллар натижасида маҳсулот сотиш департаментида, акционерлар билан ишлаш департаментида мижозлар ва акционерлар навбатларини тартибга солиши электронлаштирилди.</p>

3.	Монополияга қарши қонунчиллик бузилишини олдини олиш.	<p>Рақобат тўғрисидаги қонунчиллик хужжатларини қўллаш амалиётида (мониторинг ва тахлил килиш натижасида) аффилланган шахсларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган таъсисчиларни вертикал келишувларга йўл қўймаслик.</p> <p>Жамиятнинг расмий веб-саҳифасида, “Рақобат чекланиши тўғрисида хабар бер” интерактив тугмачани яратиш, келиб тушган мурожаатларни тахлил килиб бориш.</p>	<p>2022 йил давомида жамият томонидан амалга оширилган харид жараёнларида, жами 10 та ҳолатда иштирокчиларнинг ўзаро аффилланганлик ҳолатлари аниқланган ва вертикал келишувлар эҳтимоллиги бартараф қилинган.</p> <p>Ҳозирда жамиятда нафақат коррупцияга қарши, балки ҳар қандай қонунбузилишлари, шу жумладан рақобат қонунчилиги бузилиши хақида тезкор хабар бериш учун алоқа каналлари йўлга қўйилган (ишонч тел: 70 214 19 17, эл.почта: <a href="mailto:compliance@uzbeksteel.uz">compliance@uzbeksteel.uz</a>). Расмий веб-саҳифада “Рақобат чекланиши тўғрисида хабар бер” интерактив тугмачаси яратилиш босқичида.</p>
----	---	---	---